

V. ИНВЕСТИЦИЯ ВА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ

2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни ривожлантириш учун жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 134,0 трлн. сўмлик, (доллар эквивалентида 15,5 млрд. АҚШ долл.) ёки 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 146,0 % га асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича 2019 йилнинг жорий ҳисобот даврида асосий капиталга инвестицияларнинг юқори кўрсаткич сақланиб қолиб, 46,0 % ўсиши қайд этилди. Асосий капиталга инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатларига эришилишига тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитларнинг юқори ўсиш суръатлари асосий сабаб бўлиб ҳисобланиб, жами инвестициялар ҳажмининг – 24,6% ёки ўтган йилнинг мосдаврига нисбатан 3,2 марта ўсиш, шундан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар – 16,0% (ёки 3,1 марта), ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат кафолати асосида чет эл кредитларининг – 14,6 % (ёки 166,2%), бюджет маблағлари – 8,5% (ёки 190,0%) юқори ўсишни ташкил этди.

Агарда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг охириги икки йиллик динамик қаторларини таҳлил қилсак, 2016 йилнинг мос даврига нисбатан – 2,2 марта, 2017 йилга нисбатан – 188,4% га ўсишни ташкил этди.

Жорий йилда асосий капиталга инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатларига эришилишига катта ҳисса қўшган Давлат ривожланиш дастурига киритилган **йирик инвестиция лойиҳалари** қуйидагилар:

- *Тозаланган метан асосида синтетик суюқ ёқилги ишлаб чиқаришга мўлжалланган Шўртан газ-кимё комплекси қурилиши;*
- *Навоий иссиқлик электр станциясида 450 MVt қувватли 2 буғ-газ қурилмасини кенгайтириш бўйича қурилиш ишлари;*
- *Тўрақўрғон туманида қуввати 450 MVt дан бўлган икки буғ-газ қурилмасидан таркиб топган жами қуввати 900 MVt бўлган янги иссиқлик электр станцияси қурилиши;*
- *Тахиатош иссиқлик электр станциясида 230-280 MVt қувватли иккита буғ-газ қурилмаси қурилиши;*


- *Хаузак ва Шади конларини ишлаб чиқаришга тайёрлаш, шунингдек Қувачи-Олот конларини кенгайтириш Бухоро вилояти;*
- *Хисор инвестиция блоки ва Устюрт ҳудудида маҳсулотни тақсимлаш бўйича битим асосида конлар билан ишлаш ва углеводород қазиб чиқаришни ташкил эти Қашқадарё вилояти;*
- *АЖ «Навоиазот да амиак ва карбамид ишлаб чиқариш бўйича қурилиш.*

ЯИМ га нисбатан асосий капиталга инвестициялар – 37,0 % ни ташкил этиб, 2018 йилнинг мос давридаги кўрсаткичига нисбатан 9,0 % пунктга кўпайди.

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ЯИМ даги улуши 2017 йилнинг январь-сентябрида 21,8 % га, мос равишда 2018 йилда – 28,0% ташкил этди.

Асосий капиталга инвестицияларнинг ўсиш суръатлари


(ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, % да)



2019 йилнинг январь-сентябрида жами асосий капиталга инвестицияларнинг катта қисми, яъни 52,5 % и Республиканинг тўртта худудида, жумладан, Тошкент шаҳрида – 23,0 %, Қашқадарё вилоятида – 11,0 %, Навоий вилоятида – 9,8 %, ва Тошкент вилоятида – 8,7 % ўзлаштирилди.

Қатор худудларда асосий капиталга инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатлари кузатилди, жумладан, Жиззах вилоятида ўтган йилга нисбатан 2,1 марта, (асосий капиталга инвестициялар ҳажми 5784,9 млрд. сўм), Сидарё вилоятида 2,0 марта (4060,2 млрд. сўм), Наманган вилоятида – 179,2 % (9334,8 млрд. сўм), Фарғона вилоятида – 169,1 % (7040,1 млрд. сўм), Тошкент вилоятида – 163,1 % (11697,8 млрд. сўм), Навоий вилоятида – 160,3 % (13155,2 млрд. сўм), Хоразм вилоятида – 159,9 % (3819,4 млрд. сўм) ва Тошкент шаҳрида – 158,5 % (30834,9 млрд. сўм).

Аҳоли жон бошига асосий капиталга инвестициялар




2019 йилнинг январь-сентябрида аҳоли жон бошига ҳисобланган асосий капиталга инвестициялар ҳажми бўйича юқори кўрсаткичлар Навоий вилоятида – 13342,0 минг сўм (ёки 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 156,7 %), мос равишда Тошкент шаҳрида – 12176,2 минг сўм (ёки 155,2 %), Сирдарё вилоятида – 4858,2 минг сўм (ёки 2,0 марта), Қашқадарё вилоятида – 4573,3,3 минг сўм (ёки 116,2 %), Жиззах вилоятида – 4243,0 минг сўм (ёки 2,1 марта), Тошкент вилояти – 4014,2 минг сўм (ёки 160,8 %), Бухоро вилоятида – 3768,5 минг сўм (ёки 94,5 %), ва Қорқалпоғистон Республикаси – 3736,5 минг сўм (ёки 132,1 %) қайд этилди.

**Асосий капиталга инвестицияларнинг молиялаштириш
манбалари бўйича тақсимланиши**


	Млрд. сўм	Ўсиш суръати, % да	Жамига нисбатан % да
Асосий капиталга инвестициялар	134029,4	146,0	100,0
<i>шу жумладан:</i>			
Марказлашган инвестициялар	38099,1	161,0	28,3
бюджет маблағлари	11359,5	190,0	8,5
сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси	1215,1	3,0 м.	0,9
жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси	42,5	28,2	0,0
тикланиш ва тараққиёт жамғармаси	5851,6	110,0	4,3
Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги кредитлар	19630,4	166,2	14,6
Марказлашмаган инвестициялар	95930,3	140,8	71,7
корхона маблағлари	28937,2	102,8	21,6
аҳоли маблағлари	13069,5	112,1	9,8
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	32940,5	3,2 м.	24,6
<i>шу жумладан:</i>			
тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар	21448,3	3,1 м.	16,0
тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	20983,0	116,5	15,7

Марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг жами асосий капиталга инвестициялар ҳажмидаги улуши, % да



Марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 161,0 % ёки 38099,1 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмининг 28,3 % ни ёки ўтган йилдаги кўрсаткичига нисбатан 2,6 % пунктга кўп) асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди, мос равишда, марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 95930,3 млрд. сўм ёки 140,8 % (71,7 %).

Асосий капиталга инвестицияларнинг марказлашган молиялаштириш манбалари



2018 йилнинг мос даври билан солиштирганда Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги хорижий кредитлар улуши 1,8 % пунктга ўсди.

Жорий йил давомида қуйидаги йирик лойиҳаларнинг амалга оширилиши Ўзбекистон Республикаси Давлат кафолати асосида чет эл инвестициялари ва кредитларининг юқори ўсиш суръатларига эришишига асосий сабаб бўлиб ҳисобланади:

➤ *Тозаланган метан асосида синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқаришига мўлжалланган Шўртан газ-кимё комплекси қурилиши;*

➤ *Навоий иссиқлик электр станциясида 450 MVt қувватли 2 буг-газ қурилмасини кенгайтириш бўйича қурилиш ишлари;*

➤ *Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида қуввати 450 MVt дан бўлган икки буг-газ қурилмасидан таркиб топган жами қуввати 900 MVt бўлган янги иссиқлик электр станцияси қурилиши;*

➤ *«Навоиазот» АЖ да поливинилхлорид (ПВХ), каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш комплекси қурилиши;*

➤ *Поп-Наманган-Андижон темир йўл участкаларини электрлаштириш;*

➤ *Поп-Қўқон-Андижон участкасини электрлаштириш билан бирга Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўл линияларини қурилиши;*

➤ *“Шарғункўмир” АЖ кўмир қазиб олиш лойиҳавий қувватини йилига 900 минг тоннага етказиш учун модернизация қилиш;*

➤ *Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида канализация тизими ва тозалаш иншоотларини реконструкция қилиш;*

➤ *Сирдарё вилояти Боёвут, Ховост, Мирзаобод, Сардоба ва Оқолтин туманлари аҳоли яшаш пунктларида ва туман марказларида сув таъминоти тизимини такомиллаштириш;*

➤ *Бухоро вилояти Олот, ҳамда Қорақўл туманларида ичимлик суви таъминоти тизимини такомиллаштириш;*

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан иқтисодийнинг стратегик тармоқларига ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 5851,6 млрд. сўмни (доллар эквивалентида 678,7 млн. АҚШ доллар) ташкил қилди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 110,0 % кўпайди.

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган энг катта инвестиция лойиҳалари қуйидагилар:

- Тахياتош иссиқлик электр станциясида 230-280 МВт қувватли иккита буг-газ қурилмаси қурилиши;
- Навоий иссиқлик электр станциясида 450 МВт қувватли 2 буг-газ қурилмасини кенгайтириши бўйича қурилиши ишлари;
- Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида қуввати 450 МВт дан бўлган икки буг-газ қурилмасидан таркиб топган жами қуввати 900 МВт бўлган янги иссиқлик электр станцияси қурилиши;
- "Ауминсо-Амантой конлари" да олтин-маъданли конларни қазиб олиши ва қайта ишлаш бўйича конларни қуриши (ГМЗ-5) (I-II босқич);
- Тошкент вилояти (Олмалиқ шаҳри) да Ёшлик I конини ўзлаштириши;
- "Мурунтау" карьерига ишлов бериши (V босқич):

Асосий капиталга инвестицияларнинг марказлашмаган молиялаштириш манбалари



Марказлашмаган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари асосан тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар (жами инвестициялар ҳажмига нисбатан 24,6 %), корхона маблағлари (21,6 %) ҳисобига тўғри келди

Тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари ҳисобидан амалга оширилган йирик давлат аҳамиятидаги ижтимоий инвестиция лойиҳаси:

Дастур бўйича “Ўзшаҳарқурилиш инвест” ИК томонидан шаҳар жойларда арзон кўп қаватли турар жойлар қурилиши.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобига қуйидаги йирик инвестицион лойиҳалар амалга оширилди:

Кандим конлар гуруҳини ишлаб чиқаришга тайёрлаш ва газни қайта ишловчи заводнинг қурилиши;

Хаузак ва Шади конларини ишлаб чиқаришга тайёрлаш, шунингдек Қувачи-Олот конларини кенгайтириш Бухоро вилояти;

Хисор инвестиция блоки ва Устюрт ҳудудида маҳсулотни тақсимлаш бўйича битим асосида конлар билан ишлаш ва углеводород қазиб чиқаришни ташкил этиш;

ОАЖ "Unitel" хорижий компанияси томонидан Тошкент шаҳрида уяли алоқа тизимини кенгайтириш;


ОАЖ "Indorama Agro" хорижий компанияси томонидан Қашқадарё ва Сурдарё вилоятларида пахта текстил кластери кўринишида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш

Давлат бюджети маблағининг жами асосий капиталга инвестициялардаги улуши 8,5 % ташкил этиб, 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 2,0 % пунктга ўсди.

Давлат бюджетидан инвестициялар Ўзбекистон Республикаси инфратузулмасини ривожлантириш, ижтимоий соҳани қўллаб-қувватлаш ва турмуш тарзини яхшилаш мақсадларидаги манзилли инвестиция дастурини бажаришга йўналтирилди.

2019 йилнинг январь-сентябрида давлат бюджети маблағларининг асосий қисми: Тошкент шаҳри (давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган жами инвестицияларнинг 18,8 %), Тошкент вилояти (14,5 %), Қорақалпағистон Республикаси (8,4 %), Самарқанд вилояти (7,5 %), Жиззах вилояти (6,6 %) ва Андижон вилояти (5,1 %) ривожлантиришга йўналтирилди.

Асосий капиталга инвестицияларнинг мулкчилик шакллари бўйича таркиби



Жорий даврда иқтисодийнинг нодавлат секторида 105928,8 млрд. сўм ҳажм инвестиция ўзлаштирилди, Ўзбекистон Республикаси бўйича жами инвестициялар ҳажмидан улуши – 79,0 % ни ташкил этди, жумладан, Қашқадарё вилоятида – 94,0 % га етди, Фарғона вилоятида – 89,9 %, Наманган вилоятида – 88,4 %, Андижон вилояти – 86,0 %, Сурхондарё вилоятида – 83,8 %, Хоразм вилоятида – 82,2 %, Тошкент шаҳри – 80,8 % ни ташкил этди.

**Асосий капиталга инвестицияларнинг молиялаштириш
манбалари бўйича таркиби**

	Жами инвестициялар, млрд. сўм	шу жумладан, молиялаштириш манбалари бўйича: (жамига нисбатан, %)								
		Республика бюджети	сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш эсмагармаси	Корхона ва аҳоли маблағи	Тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	Тўзридан тўзри хорижий инвестициялар	Ўзбекистон Республикаси давлат кафолати остида хорижий кредитлар	бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар	Тикланиш ва тараққиёт эсмагармаси	жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш эсмагармаси
Ўзбекистон Республикаси¹⁾	134029,4	8,5	0,9	31,2	15,7	16,0	14,6	8,6	4,3	0,0
Қорақалпоғистон Республикаси	7023,8	13,6	0,8	34,7	7,6	10,0	16,3	12,7	4,0	0,3
<i>вилоятлар:</i>										
Андижон	6085,3	9,6	0,9	35,4	16,7	20,2	2,8	14,4	0,0	0,0
Бухоро	7180,5	7,9	1,2	28,8	13,7	22,2	11,4	14,8	0,0	0,0
Жиззах	5784,9	13	1,8	20,2	11,4	18,8	4,9	29,9	0,0	0,0
Қашқадарё	14804,8	4,6	0,8	26,0	4,1	8,6	51,5	4,4	0,0	0,0
Навоий	13155,2	2,3	0,4	15,3	22,4	3,8	34,1	0,0	21,7	0,0
Наманган	9334,8	5,5	0,6	34,3	11,6	9,1	18,0	10,0	10,9	0,0
Самарқанд	7173,6	11,8	1,9	40,4	23,4	15,4	6,4	0,7	0,0	0,0
Сурхондарё	5519,1	9,5	2,1	32,3	20,6	26,0	7,5	2,0	0,0	0,0
Сирдарё	4060,5	11,4	1,5	22,7	18,9	29,1	15,5	0,3	0,6	0,0
Тошкент	11697,8	14,1	1,9	34,2	14,8	23,2	2,4	2,9	6,5	0,0
Фарғона	7040,1	7,3	0,8	38,8	13,2	31,4	1,9	6,6	0,0	0,0
Хоразм	3819,4	11,3	1,3	38,1	18,3	23,1	2,1	0,3	5,1	0,4
Тошкент ш.	30834,9	6,9	0,2	36,4	20,2	15,2	4,6	14,2	2,3	0,0

¹⁾ Ҳудудлар бўйича тақсимланмайдиган ҳажмни қўшиган ҳолда

Қуйидаги ҳудудлар бўйича тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари ҳисобидан кўп инвестициялар ўзлаштирилди: Самарқанд вилояти бўйича жами инвестициялар ҳажмидаги улуши – 23,4 %, мос равишда Навоий вилояти – 22,4 %, Сурхондарё вилояти – 20,6 %, Тошкент шаҳар – 20,2 %, Сирдарё вилояти – 18,9 %, Хоразм вилояти – 18,3 % ва Андижон вилояти – 16,7 % ҳажм улушини ташкил этди.

**Асосий капиталга инвестицияларнинг мулкчилик шакллари
бўйича технологик таркиби
(2019 йил январь-сентябрь учун)**

	<i>Жами</i>	<i>Давлат</i>	<i>Нодавлат</i>
Жами, млрд. сўм	134029,4	100,0	100,0
<i>шу жумладан жамига нисбатан % да:</i>			
Қурилиш – монтаж ишлари	56296,1	59,2	37,4
Машина, ускуна, инвентар	673214,1	37,5	53,6
Бошқа харажатлар	10419,2	3,3	9,0

Асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркибида: Республика бўйича қурилиш – монтаж ишларининг улуши – 42,0 % ни, машина, ускуна, инвентар сотиб олишга харажатлар – 50,2 % ни ҳамда бошқа харажатлар улуши – 7,8 % ни ташкил этди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга
ўзлаштирилган инвестициялар**

	<i>Млрд. сўм</i>	<i>Жамига нисбатан % да</i>	
		<i>2018 й. январь- сентябрь</i>	<i>2019 й. январь- сентябрь</i>
Асосий капиталга инвестициялар - жами	134029,4	100,0	100,0
<i>шу жумладан, иқтисодий фаолият турлари бўйича:</i>			
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	11294,4	7,3	8,4
ТОҒ - кон саноати	10794,7	13,1	8,0
ишлаб чиқариш саноати	36463,8	21,9	27,2

	Млрд. сўм	Жамига нисбатан % да	
		2018 й. январь- сентябрь	2019 й. январь- сентябрь
электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	15630,6	9,9	11,7
сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	3083,5	1,4	2,3
қурилиш	7467,8	4,1	5,6
улгуржи ва чакана савдо; моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш	4390,8	4,5	3,3
ташиш ва сақлаш	7417,9	6,4	5,5
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1948,6	1,4	1,5
ахборот ва алоқа	2135,2	0,8	1,6
молия ва суғурта фаолияти	1046,2	0,9	0,8
профессионал, илмий ва техник фаолият	1834,7	1,0	1,4
таълим	3876,4	2,1	2,9
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	3001,5	2,2	2,2
саънат, кўнгил очиш ва дам олиш соҳаси	1424,3	1,5	1,1
жами фаолият турларидан ташқари: турар жой қурилишига инвестициялар	15609,3	17,3	11,6
бошқа фаолият турлари	6609,7	4,2	4,9

Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестицияларнинг ўзлаштирилиши: қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 11294,4 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 8,4 %), шу жумладан тоғ – кон саноатида 10794,7 млрд. сўм (8,0 %), хом нефт ва табиий газ қазиб чиқариш фаолият турида 7174,4 млрд. сўм (5,4 %), ишлаб чиқариш саноатида 36463,8 млрд. сўм (27,2 %), шу жумладан озиқ – овқат, ичимлик ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш 3392,8 млрд.сум (2,5 %), текстиль маҳсулотларни ишлаб чиқариш 8700,7 млрд.сумм (6,5 %), кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти турида 4186,0 млрд. сўм (3,1 %), бошқа нометал номинерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолият турида 7368,9 млрд. сўм (5,5 %), металлургия саноатида 5970,9 млрд. сўм (4,5 %), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш фаолият турида 15630,6 млрд. сўм, (11,7 %), сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш фаолият турида 3083,5 млрд. сўм, (2,3 %), қурилиш фаолияти турида 7467,8 млрд. сўм (5,6 %), ташиш ва сақлаш фаолият турида 7417,9 млрд. сўм (5,5 %), улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш фаолият турида 4390,8 млрд. сўм (3,3 %), ахборот ва алоқа фаолият турида 2135,2 млрд. сўм (1,6 %), профессионал, илмий ва техник фаолият турида 1834,7 млрд. сўм (1,4 %), таълим соҳасида 3876,4 млрд. сўм (2,9 %), жами фаолият турларидан ташқари турар жой қурилишида 15609,3 млрд. сўм (11,6 %) инвестициялар ўзлаштирилди.

2019 йилнинг январь-сентябрида иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестициялар таркиби, млрд. сўм



Асосий капиталга инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби
(2019 йил январь-сентябрь ойларида)


	<i>Жами асосий капиталга инвестициялар, млрд.сум</i>	<i>Жамига нисбатан % да:</i>		
		<i>Янги қурилиш</i>	<i>Кенгайтириш, реконструкция, модернизация</i>	<i>Бошқа йўналишлар</i>
Республика Узбекистан	134029,4	53,8	27,3	18,9
Республика Каракалпакстан	7023,8	74,8	14,9	10,3
<i>области:</i>				
Андижанская	6085,3	36,8	49,0	14,2
Бухарская	7180,5	58,0	29,4	12,6
Джизакская	5784,9	29,7	18,8	51,5
Кашкадарьинская	14804,8	80,8	10,1	9,1
Навоийская	13155,2	53,7	41,2	5,1
Наманганская	9334,8	62,2	28,4	9,4
Самаркандская	7173,6	51,2	35,3	13,5
Сурхандарьинская	5519,1	57,1	37,3	5,6
Сырдарьинская	4060,5	35,1	32,5	32,4
Ташкентская	11697,8	60,5	26,4	13,1
Ферганская	7040,1	37,9	34,3	27,8
Хорезмская	3819,4	46,3	35,5	18,2
г. Ташкент	30834,9	45,1	22,2	32,7

Ҳисобот даврида корхона ва ташкилотларнинг кенгайтириш, реконструкция, модернизация қилиш ва техник қайта қурулантиришга йўналтирилган асосий капиталга инвестициялар республика бўйича – 36652,4 млрд. сўмни ташкил этди.

Корхона ва ташкилотларнинг кенгайтириш, реконструкция, модернизация қилиш ва техник қайта қурулантиришга йўналтирилган асосий капиталга инвестицияларнинг ҳисобот даврида Андижон вилоятида – 49,0 % (2980,3 млрд. сўм), Навоий вилоятида – 41,2 % (5422,6 млрд. сўм), Сурхондарё вилоятида – 37,3 % (2060,5 млрд. сўм), Хоразм вилоятида – 35,5 % (1355,5 млрд. сўм), Самарқанд вилоятида – 35,3 % (2530,0 млрд. сўм), Фарғона вилоятида – 34,3 % (2415,4 млрд. сўм), юқори ўсиш суръати кузатилди.

Республика бўйича асосий капиталга инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркибида янги қурилишнинг улуши 53,8 % ни, модернизация қилиш, техник ва технологик қайта қурулантириш, ҳамда кенгайтиришга йўналтирилган инвестицияларнинг улуши 27,3 % ни, ҳамда бошқа йўналишлардаги улуши 18,9 % ни ташкил қилди.

Асосий капиталга инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби



Асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар

2019 йилнинг январь-сентябрида 52571,0 млрд. сўм (доллар эквивалентида 6,1 млрд. АҚШ долл.) ёки 2018 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 2,4 марта асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилди.

Хорижий инвестиция ва кредитларнинг жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялардаги улуши – 39,2 % ташкил этди.


Хорижий инвестиция ва кредитларнинг энг катта улуши Қашқадарё вилоятида – 64,5 %, Жиззах вилоятида – 53,6 %, Бухоро вилоятида – 48,4 %, Сирдарё вилоятида – 44,9 % ва Фарғона вилоятида – 39,9 % кузатилди.

**Хорижий инвестицияларни ўзлаштириш,
кредитларни қўшган ҳолда**

	<i>Хорижий инвестициялар ўзлаштирилди, млрд. сўм</i>		<i>Хорижий инвестициялар, нисбатан % да</i>	
	<i>жами</i>	<i>шу жумладан, кредитлар</i>	<i>жамига</i>	<i>асосий капиталга инвестициялар</i>
Ўзбекистон Республикаси	52571,0	26754,2	100,0	39,2
Қорақалпоғистон Республикаси	2739,4	1756,5	5,2	39,0
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	2224,9	1044,7	4,2	36,6
Бухоро	3473,2	1755,3	6,6	48,4
Жиззах	3099,6	1894,6	5,9	53,6
Қашқадарё	9548,4	8248,3	18,2	64,5
Навоий	4985,0	4485,7	9,5	37,9
Наманган	3414,7	2087,6	6,5	36,6
Самарқанд	1609,6	475,6	3,1	22,4
Сурхондарё	1959,1	479,1	3,7	35,5
Сирдарё	1947,3	642,4	3,7	48,0
Тошкент	3323,2	583,3	6,3	28,4
Фарғона	2809,3	429,8	5,3	39,9
Хоразм	971,8	91,3	1,9	25,4
Тошкент ш.	10465,7	2780,0	19,9	33,9

2019 йилнинг январь-сентябрида ўзлаштирилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг ЯИМ га нисбати 14,5 % ни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 7,8 % пунктга кўпайди.

Хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилиши
(млн. АҚШ долл.)




Ўзлаштирилган жами хорижий инвестиция ва кредитларнинг доллар эквивалентидаги қиймати 6097,7 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, ундан 2487,8 млн. АҚШ доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни, ёки жами хорижий инвестиция ва кредитларнинг 16,0 % ташкил этди.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ўзлаштирилган ҳажми 2019 йилнинг январь-сентябрида 21448,3 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,1 мартани ташкил қилди.

2019 йил январь-сентябрь ойларида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ЯИМ даги улуши 5,9 % ни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,8 % пунктга қўпайди.

Айрим иқтисодий фаолият турлари бўйича хорижий инвестиция ва кредитлар таркиби (яқунга нисбатан % да)



Қуйидаги иқтисодий фаолият турлари бўйича хорижий инвестиция ва кредитлар кўпроқ ўзлаштирилди: хом нефть ва табиий газ қазиб чиқариш фаолият турига жами ўзлаштирилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг инвестициялардаги улуши – 7,6 % ни, мос равишда овқат, ичимлик ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятида турида – 2,9 % ни, кийим-кечак ишлаб чиқариш фаолиятида турида – 9,6 % ни, ташиш ва сақлаш фаолиятида турида – 1,5 % ни, сув билан таъминлаш, канализация фаолиятда турида – 1,8 % ни ахборот ва алоқа фаолиятида турида – 2,3 % ни, ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш фаолият турида – 2,2% ни ташкил этди.

Ижтимоий соҳа объектларининг қурилиши

Жами асосий капиталга инвестицияларда турар жой қурилишига ўзлаштирилган инвестициялар 15609,3 млрд. сўмни ёки жами инвестициялар ҳажмида 11,6 % ни ташкил этди.

Янги қурилиш ва реконструкция ҳисобига турар жойлар ва ижтимоий объектларни ишга тушириш

	Ишга туширилди		2018 йил мос даврига нисбатан % да	
	жами	жумладан, қишлоқ жойларда	жами	жумладан, қишлоқ жойларда
Турар жойлар умумий майдони, минг кв.м.	9937,1	6833,9	111,2	111,1
улардан:				
якка тартибдаги турар жойлар	8952,3	6035,8	112,3	114,4
намунавий лойиҳалар асосида шаҳар ва қишлоқларда қурилган якка тартибдаги турар жойлар	961,9	797,6	101,9	91,8
Касалхоналар, ётоқ	2810	348	192,5	11,6 м.
Поликлиникалар (ҚВП ларни қўшган ҳолда), қатнов	6235	4090	47,7	57,8
Умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактаблар, ўқувчи ўрни	87933	47202	159,8	195,1
Умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактабларни капитал тамирлаш, бирлик	244	х	2,9 м.	х
Сув тармоғи, км	1706,3	1433,4	86,2	78,6
Газ тармоғи, км	50,7	27,3	39,5	26,6

2019 йилнинг январь-сентябрида умумий майдони 9937,1 минг кв.м (ёки 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 111,2 %) бўлган 60,2 минг хонадонга эга 69,7 минг турар жойлар, жумладан 6833,9 минг кв.м. (ёки 111,1 %) қишлоқ жойларда ишга туширилди.

Фойдаланишга топширилган турар жойлар


	Ишга туширилди, жами		Улардан: якка тартибдаги турар жойлар	
	минг кв.м	2018 йил январь-сентябрь % да	минг кв.м	2018 йил январь-сентябрь % да
Ўзбекистон Республикаси	9 937,1	111,2	8952,3	112,3
Қорақалпоғистон Республикаси	833,2	146,7	791,3	160,6
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	672,3	89,7	600,6	94,9
Бухоро	1 036,6	106,5	998,1	114,3
Жиззах	477,8	106,3	409,7	102,1
Қашқадарё	710,5	92,6	637,4	94,0
Навоий	653,3	129,1	604,2	127,3
Наманган	865,3	104,4	769,9	100,7
Самарқанд	790,1	106,4	666,0	107,8
Сурхондарё	819,6	99,0	786,2	104,5
Сирдарё	152,4	236,3	111,3	254,7
Тошкент	1 005,0	163,0	801,8	140,7
Фарғона	813,7	96,4	755,4	101,8
Хоразм	517,5	92,1	447,8	83,5
Тошкент ш.	572,6	132,8	572,6	146,0

Умумий майдони 8952,3 минг кв.м. ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 112,3 % якка тартибда қурилган турар жойлар ишга туширилди.


Шу билан бирга, қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар асосида арзон уйлар қурилиши бўйича Давлат дастурининг бажарилиши натижасида 2019 йил январь-сентябрида умумий майдони 961,9 минг кв.м. бўлган 6,2 минг турар жой, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 101,9 % турар жойлар қурилиши яқунланди.

Қишлоқ жойларда:

Газ тармоғи



Сув тармоғи



	<i>Газ тармоқлари, км</i>	<i>Сув тармоқлари, км</i>
Ўзбекистан Республикаси	50,7	1706,3
Қароқалпоғистон Республикаси	-	227,5
<i>вилоятлар:</i>		
Андижан	-	211,9
Бухоро	3,3	145,5
Жиззах	24,1	148,9
Қашқадарё	-	31,4
Навоий	-	83,6
Наманган	4,2	243,3
Самарқанд	16,0	102,9
Сурхандарё	-	8,9
Сирдарё	-	-
Тошкент	-	-
Фарғона	3,1	166,2
Хоразм	-	334,7
Тошкент ш.	-	1,5

Касалхоналар, амбулатор-поликлиника муассасалари, қишлоқ врачлик пунктлари янги қурилиши ва реконструкцияси учун 1052,3 млрд. сўм инвестициялар ўзлаштирилган бўлиб, бу соғлиқни сақлаш фаолият турига ўзлаштирилган жами инвестицияларнинг 35,1 % ини ташкил этди.

Касб-хунар коллежлари қурилиши ва реконструкциясига 25,5 млрд. сўм ўзлаштирилиб, таълим фаолият турига ўзлаштирилган инвестицияларнинг 0,7 % ини ташкил этди.

Таълим жараёнини сифатини ошириш бўйича олиб борилаётган чора тадбирлар натижасида умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактаблар қурилиши ва реконструкцияси учун жами 1061,7 млрд. сўм ўзлаштирилиб, таълим фаолият турига ўзлаштирилган жами инвестицияларнинг 27,4 % ини ташкил этди.

Коммунал соҳа объектлари қурилишида 1706,3 км сув тармоғи (1433,4 км қишлоқ жойларга) ва 50,7 км газ тармоғи (27,3 км қишлоқ жойларга) ишга туширилди. Мос равишда 2018 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 86,2 % га (ёки 78,6 % қишлоқ жойларга) ва 38,5 % ни (ёки 26,6 % қишлоқ жойларга) тўғри келди.

Сув тармоқлари қурилишига 1643,2 млрд. сўм, газ тармоқлари қурилишига эса 3,1 млрд. сўм ўзлаштирилди.


Қуйидаги ҳудудларда газ тармоқларини ишга тушириш бўйича юқори кўрсаткичлар қайд этилди: Жиззах вилояти – 24,1 км ёки республика бўйича жами фойдаланишга топширилган газ тармоқларидан – 47,5 % улуши, мос равишда фойдаланишга топширилган сув тармоқлари бўйича етакчи ўринларни: Хоразм вилояти – 334,7 км ёки республика бўйича жами фойдаланишга топширилган сув тармоқларидан – 19,6 % улуши, Наманган вилояти – 243,3 км (ёки 14,3%), Қорқалпоғистон Республикаси – 227,5 км (ёки 13,3 %) ташкил этди.

Қурилиш ишлари

2019 йилнинг январь-сентябрида 50922,2 млрд. сўм ёки 2018 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 119,3 % қурилиш ишлари бажарилди.

Ҳудудлар кесимида қурилиш ишлари ўсиш суръатлари

(ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да)



Қурилиш ишлари бўйича юқори ўсиш суръатлари қуйидаги ҳудудларда кузатилди: Тошкент вилоятида – 141,5 % ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 3,6 % пунктга кўпайди, мос равишда Наманган вилоятида 135,8 % (9,2 % пунктга ўсиш), Навоий вилоятида 132,6 % (9,4 % пунктга камайиш) ва Тошкент шаҳрида 132,0 % (0,5 % пунктга кўпайиш)ни ташкил этди.

Ҳудудлар кесимида қурилиш ишлари


	Жами, млрд. сўм	шу жумладан, мулкчилик шакллари бўйича, жами ҳажмга нисбатан % да	
		давлат	нодавлат
Ўзбекистон Республикаси ¹⁾	50922,2	6,2	93,8
Қорақалпоғистон Республикаси	2514,3	5,7	94,3
<i>вилоятлар:</i>			
Андижон	2742,6	6,0	94,0
Бухоро	3291,9	5,9	94,1
Жиззах	1634,4	2,7	97,3
Қашқадарё	3332,3	5,3	94,7
Навоий	2531,5	24,5	75,5
Наманган	2384,2	5,7	94,3
Самарқанд	3207,6	13,5	86,5
Сурхондарё	2942,6	2,1	97,9
Сирдарё	1100,7	6,8	93,2
Тошкент	3328,7	5,1	94,9
Фарғона	3147,2	5,5	94,5
Хоразм	1945,7	7,0	93,0
Тошкент ш.	11294,5	5,5	94,5

1) Ҳудудлар бўйича тақсимланмайдиган ҳажмни қўшган ҳолда

Иқтисодийнинг нодавлат секторидаги қурилиш ишлари ҳажми 2018 йилнинг январь-сентябрга нисбатан 1,4 % пунктга камайди. Ўзбекистон Республикаси бўйича жами қурилиш ишлари нодавлат секторининг улуши 93,8 % ни ташкил этди, жумладан, Сурхондарё вилоятида – 97,9 % даражага етди, Жиззах вилояти – 97,3 % ни, Тошкент вилоятида – 94,9 %, Қашқадарё вилоятида – 94,7 %, Тошкент шаҳри ва Фарғона вилояти - 94,5 % ва Наманган вилояти – 94,3 % ни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари

(млрд. сўм)



Жами қурилиш ишларидан 76,2 % янги қурилиш, реконструкция, кенгайтириш ва корхоналарни техник қайта қуроллантириш ишларига тўғри келди, шунингдек, 23,8 % ини капитал, жорий таъмирлаш ва бошқа пудрат ишлари ташкил этди.

Ҳисобот даврида бино ва иншоотлар қурилиши бўйича бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 37347,7 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 117,4 % ни, мос равишда, фуқаролик қурилиши объектлари бўйича қурилиш ҳажми 6770,9 млрд. сўмни (ёки 123,4 % ни), ихтисослаштирилган қурилиш ишлари бўйича қурилиш ишлари ҳажми 6803,6 млрд. сўм (ёки 126,9 % ни) ташкил қилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари ҳажми
(2019 йил январь-сентябрь учун, ҳудудлар кесимида)

(млрд. сўм)

	Қурилиш ишлари, хизматлар жами	шу жумладан, иқтисодий фаолият турлари:		
		Бино ва иншоотлар қурилиши	Фуқаролик қурилиши объектлари	Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари
Ўзбекистон Республикаси¹⁾	50922,2	37347,7	6770,9	6803,6
Қорақалпоғистон Республикаси	2514,3	1682,4	359,1	472,8
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	2742,6	2004,7	254,0	483,9
Бухоро	3291,9	2275,6	523,7	492,6
Жиззах	1634,4	1266,7	219,4	148,3
Қашқадарё	3332,3	2452,4	410,5	469,4
Навоий	2531,5	1789,9	301,8	439,8
Наманган	2384,2	1713,3	219,4	451,5
Самарқанд	3207,6	2480,7	304,9	422,0
Сурхондарё	2942,6	2008,0	769,9	164,7
Сирдарё	1100,7	800,6	187,5	112,6
Тошкент	3328,7	2416,0	402,8	509,9
Фарғона	3147,2	2386,3	400,4	360,5
Хоразм	1945,7	1560,4	261,7	123,5
Тошкент ш.	11294,5	6986,6	2155,8	2152,1

Қурилиш ишларининг асосий қисми иқтисодиёт фаолият тури бўйича бино ва иншоотлар қурилишга тўғри келди, унинг улуши ўтган йилнинг мос даврига нисбатан жами қурилиш ишлари ҳажмининг 73,3 % ни ташкил этиб, 1,4 % пунктга камайди.

Иқтисодиёт фаолият тури фуқаролик қурилиши объектлари бўйича 13,3 % ни ташкил этди, ёки 0,5 % пунктга кўпайди, мос равишда ихтисослаштирилган қурилиш ишлари 13,4 % (ёки 0,9 %).

Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Номолиявий активларга киритилган инвестициялар – бу реал маблағларни яратишга йўналтирилган инвестициялар бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади: асосий капиталга киритилган инвестициялар, капитал таъмирлашга харажатлар, номоддий активларга киритилган инвестициялар (патентлар, лицензиялар, дастурий маҳсулотлар, ер майдонларидан ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари ва бошқалар).

Асосий капиталга киритилган инвестицияларга - барча турдаги қурилиш ишларига қилинган харажатлар; асбоб-ускуналарни монтаж қилиш бўйича харажатлар; машина, асбоб-ускуналар (монтаж талаб этиладиган ва талаб этилмайдиган), транспорт воситалари, жиҳоз ва хўжалик инвентарини сотиб олиш; бошқа капитал ишлар ва харажатлар киради. Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар, илгари бошқа ташкилотларнинг асосий фондларида ҳисобга олинган асбоб-ускуналар, бинолар ва иншоотлар (ёки уларнинг эҳтиёт қисмлари)ни сотиб олишга қилинган харажатларсиз келтирилган.

Чет эл инвестициялари – асосан келгусида фойда олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхона ва ташкилотларга киритилган чет эл капитали.

Инвесторлар – юридик ва жисмоний шахслар бўлиб, қарорларни қабул қилувчи ва ўз маблағлари, қарз маблағлари ёки жалб қилинган маблағларни инвестиция кўринишида инвестицион лойиҳаларга киритишни амалга оширувчи ҳамда улардан мақсадли фойдаланилишини таъминлаб берувчи инвестицион фаолият субъектлари ҳисобланади.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар – бу корхонага тўлиқ эгалик қилувчи ёки корхона акционерлик капиталининг 10 фоизидан кам бўлмаган қисмини назорат қилувчи, яъни корхонани бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи эга бўлган, тўғридан-тўғри хорижий инвестор юридик ёки жисмоний шахс томонидан киритилган инвестициялар.

Буюртмачилар – инвестицион жараённинг қатнашчилари. Буюртмачи сифатида инвесторнинг ўзи, шунингдек инвестор томонидан амалдаги корхоналарни, биноларни, иншоотларни янги қурилиши, қайта таъмирлаш, кенгайтириш ва техник қайта қуроллантиришни амалга оширишлари учун вакил этиб тайинланган жисмоний ва юридик шахслар фаолият кўрсатишлари мумкин. Шу билан бирга буюртмачи инвестицион жараён қатнашчиларининг тадбиркорлик ва бошқа фаолиятига, агарда улар орасидаги шартномада назарда тутилмаган бўлса аралашмасликлари лозим.

Пудратчи – капитал қурилиш учун пудрат шартномаси асосида бино ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш-монтаж, қайта таъмирлаш, капитал таъмирлаш ҳамда технологик ва бошқа ускуналарни монтаж қилиш, созлаш ва бошқа пудрат ишларини бажариш билан шуғулланади.